

Ҳадис дарслари (200-дарс) Сувга бавл қилманг!



00:00 / 06.09.2022 2086

سَلْوَبِي اَلْاَقْمَلَسَووَهَلَعْلَلِ اَلصَّبِيْبَلْنَلْنَعُوْعُوْعَلَلِ اَلضَّرَّوَرِيْرُهَبَاْنَع
اَضَوْتِيْمُثِيْءَاوْرِفَووَهِيْفَلَسَتَعِيْمُثِيْرَجِيْ اَلدِّلْمِءَالْمَلْاِيْمُكُدَحَا
دِكْاَرَلْمَلْاِيْفَلْاَبِيْنَاْنَعِيْءَاوْرِفَووَهُوْ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз зинҳор оқмай турадиган сувга бавл қилмасин. Сўнгра унда ғул қилади», дедилар».

Бир ривоятда «Сўнгра ундан таҳорат қилади» ва яна бошқа бир ривоятда «Оқмас сувга бавл қилишдан қайтардилар», дейилган экан.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисда катта ва муҳим масала кўтарилмоқда: ўша замонда ҳеч кимнинг эсига келмаган тиббий эҳтиёткорлик чоралари кўрилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор киши ҳам оқмай турган сувга бавл қилиши мумкин эмаслигини қаттиқ тайинлаб айтмоқдалар.

Замон ўтиши билан илм-фан, хусусан, тиббиёт ривожланиб, одамлар бу таъкид маъносини энди тушундилар. Инсон пешобида турли зарарли моддалар бўлар экан. Ана шу пешоб орқали сувга аралашиб қолган зарарли моддалар бу сувни истеъмол қилган, ундан таҳорат ёки ғул қилган кишиларга зарар етказиши аниқ экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Оқмай турган сувга бавл қилиб бўлмаслиги.
2. Оқмай турган сувга бавл қилинса ёки нажосат тушса, ундан таҳорат қилиб бўлмаслиги.
3. Нопок сув ила таҳорат ёки ғусл қилиб бўлмаслиги.
4. Пешоб нажас ва зарарли нарса эканлиги.

Уламоларимиз ҳар қандай сувга бавл қилиш яхши эмас, балки ҳаром эканлигини қаттиқ тайинлаганлар. Чунки пешоб нажас ва зарарли нарса бўлиб, ундан доимо эҳтиёт бўлиш лозим. Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Оқмас сувга бавл қилишдан қайтардилар» деганлари Арабистон ярим ороли шароитидан келиб чиқиб айтилган. У ерларда оқар сувнинг ўзи йўқ.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди